



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (13.462)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришни рағбатлантириш, маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларнинг рақобатдошлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартиботларини бекор қилиш орқали ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ: тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлаш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилишга рухсат этилади;

ўзи ишлаб чиқарган товарларни хорижий валютага уларнинг таннарихдан паст нархлар бўйича мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларининг ташқи савдо ташкилотлари орқали экспорт қилувчи ташкилотларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли қарори билан ташкил этилган Маҳсулотларни жаҳон бозорида ҳақиқий вуҷудга келган, шу жумладан, таннарихдан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи махсус экспорт комиссияси қарорлари асосида, солиқ солиш мақсадида товарларни (ишлар, хизматларни) сотишдан олинган тушумлар миқдори товарларни (иш-

лар, хизматларни) сотишнинг ҳақиқий нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи ташкилотлар учун амалда бўлган имтиёзлар ва преференциялар ўзлари эгаси бўлган маҳсулотларни экспорт қилувчи ташкилотларга татбиқ этилади;

илгари фойдаланишда бўлган машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмларни улар тайёрланган вақтдан бошлаб 5 йил ўтгандан кейин экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларисиз амалга оширилади; келтирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш муддатлари 3 иш кунигача қисқартирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги халқаро карантин қоидаларининг ўсимликлар карантини соҳасидаги миллий норматив ҳужжатларга жорий этилишини таъминлаш бўйича тадбирлар режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартдаги "Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-26-сонли қарорининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

"3. Белгиланган ТН ТИФ кодлари гуруҳларида мансуб, илгари фойдаланишда бўлган машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмлар-

ни экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари бўйича амалга оширилади.

Бунда илгари фойдаланишда бўлган машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмларни экспорт қилиш улар тайёрланган вақтдан бошлаб 5 йил ўтган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорисиз амалга оширилади".

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

илгари ишлатилган машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмларни экспорт қилишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ҳақидаги Низом лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 21 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини татбиқ этиш доирасида тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва кенгайтириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўтган даврида 360 дан ортиқ янги корхоналар экспорт фаолиятига жалб қилинди, 120 дан ортиқ янги маҳсулотларнинг экспорти ўзлаштирилди, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, минерал ўғитлар, енгил автомобильлар ва ташқи бозорларда талаб қўри бўлган бошқа маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари сезиларли даражада ортиди.

2016 йилда ташкил қилинган "Ўзагроэкспорт" иختисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш ва янги бозорларни ўзлаштириш бўйича фаолияти сезиларли даражада фаоллашди, натижада жорий йилнинг бошидан 230 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавотлар экспортга етказиб берилди.

Шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти соҳасидаги фаолият таҳлили фойдаланилмаётган катта салоҳият сақлаб қолганини кўрсатди ва мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари экспорт фаолиятида кенг қўламда иштирок этишлари учун бюрократик тўсиқ муносабатини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, жорий йилнинг 21 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қабул қилинган "Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор, аввало, барча мева-сабзавот маҳсулотли

ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини ташқи бозорларга мустақил етказиб беришини қўллаб-қувватлаш ва шу асосда "Ўзагроэкспорт" АЖ монополиясини бекор қилишга қаратилган. Шу мақсадда 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва полиз маҳсулотларини тўловни олдиндан 100 фоиз амалга ошириш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу чоралар мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини кенгайтириш билан биргаликда деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ташқи бозорларда талаб қўри бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, тақрир ўқинлар эканлиги ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга рағбатлантиради. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг нархи ва сифати бўйича ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш имконини беради. Энг муҳими, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари етиштирган маҳсулотларининг ҳақиқий эгаси сифатида улардан ўз ихтиёрига қўра фойдаланиш, мустақил экспорт қилиш, доромадларини ошириш, оиласининг моддий фаровонлигини кўтаришлари мумкин бўлади, қўшимча валюта тушумлари эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг чўқур қайта ишлаш бўйича янги йолларини инвестициялаш учун имконият яратди.

Шу билан бирга, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш учун чет элда қабул қилинган меъёр ва стандартларга маҳсулотларнинг мувофиқлигини таъминлаш бўйича тизим-

ли ишларни амалга ошириш талаб этилади. Шу мақсадда Президент қарори билан Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бир ой муддатда миллий қўнуқчилик ҳужжатларига халқаро карантин қоидаларини татбиқ этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Қабул қилинган қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири, нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, балки маҳсулотларни чет элга экспорт қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашадиган ташқи савдо ташкилотларига ҳам экспорт фаолиятини амалга оширишда тенг шартлар яратилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи-экспорт қилувчилар учун қўлланалидиган амалдаги қўнуқчиликда қўзда тутилган имтиёз ва қўлайликлар эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган барча тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади. Бу экспорт билан тегишли таъриба ва зарур маблағларга эга, доимий равишда жаҳон бозори конъюнктурасини кузатиб борадиган ҳамда ташқи бозорларда ишончли ҳамкорлари бор иختисослашган компанияларнинг маҳсулотлар экспортини билан шуғулланиши халқаро амалиётга тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, ушбу меъёرنинг татбиқ этилиши замонавий маркетинг усулларидан, шунингдек, ташқи савдо компанияларининг имконият ва афзалликларидан ҳамкамал фойдаланиш имконини беради, бу ўз навбатида республика-миз экспорт салоҳиятини сезиларли даражада қўнайтиради, экспорт географияси ва маҳсулотлар экспорти номенклатурасини кенгайтиришга олиб келади.

Шунингдек, ҳужжатда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларининг рухсат олиш

тартибидан ўтишдаги, шу жумладан, маҳсулотларга мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш муддатларининг қўзилиб кетиши каби айрим қийинчиликлар юзасидан қўллаб қувватлаш органларига мурожаатларнинг ечимини ўз аксини топан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан бундан буён сертификатлаш идоралари томонидан ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб кириладиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда расмийлаштирилиши қатъий белгиланган бўлади.

Шу билан бирга, қарорда ташқи бозорлардаги ноқулай конъюнктура шароитида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни таннарихдан паст нарҳда экспорт қилишга мажбур бўлган корхоналар учун солиқ юқини қайтариш чораси назарда тутилган. Шундай қилиб, Махсус экспорт комиссиясининг ҳулосалари асосида таннарихдан паст нарҳларда экспорт қилинган товарлардан (иш, хизмат) тушум уларнинг амалдаги сотув нархларидан келиб чиққан ҳолда солиққа тортилди, бу ишлаб чиқарувчи солиқдан озод бўлган маблағлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннарихини янада пайсантириш бўйича чораларни амалга ошириш имконини беради.

Ҳулоса ўрнида айтганда, мазкур қарор меъёр ва тартибларининг амалга оширилиши республикамизнинг экспорт салоҳиятини қўнайтиради, экспорт географиясини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, ташқи бозорларга маҳаллий маҳсулотларни олиб чиқишда замонавий маркетинг усулларидан фаол фойдаланиш, шунингдек, маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга йўналтирилган.

тори кичик заводи ҳамда эндогинекология ўқув маркази фойдаланишга топширилди.

ЖАҲҲОНДА

● Кеча Париждаги Елисей саройида Франция Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби таништирилди. Ушбу таркибда янги тайинланган адлия, қуроли қўчалар ва ташқи ишлар вазирлари ҳам бор. Бугун янги Вазирлар Маҳкамаси ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди ва унда терроризмга қарши кураш бўйича қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

● Брюсселдаги террорчилик ҳаракатини амалга оширган ва йўқ қилинган кишининг шахси тасдиқланди. Кеча ушбу қўпоровчилик ҳаракатини тайёрлаганликда гумон билан тўрт киши ҳибсга олинди. Ҳозирда Брюсселдаги марказий вокзал фаолияти тўлиқ тикланди. Шаҳарда хавфсизлик чоралари қўлланилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ФАЙЗЛИ БОҒДА БИР КУН

Пойтахтимизда "Анҳор-Локомотив" истироҳат боғида бир кун" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда боғнинг ёз мавсумида болаларни дам олдиришга оид тайёргарлик ишлари хусусида маълумот берилди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан халқимизнинг мароқли дам олиши учун зарур барча шароитларни яратиш, замонавий шаҳарсозлик ва меъморлик талабларига жавоб берадиган истироҳат боғлари барпо этиш борасидаги ишлар натижасида мамлакатимизда сўлим боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда.

"Анҳор-Локомотив" ана шундай файзли масканлардан. Бу ердаги замонавий аттракционлар, мўъжаз кинотеатр, автоматлаштирилган ўйин қурилмалари дам олишнинг завқли ўтишида алоҳида аҳамият қўсаб этди. Тарихий шаҳарларимиздаги ёдгорлик мажмуаларининг мўъжаз макетлари, мусиқали фавворалар ушбу масканга ўзгача файз ва тароват бағишлайди. Сувадаги аттракционлар, сунъий ҳавза дам олувчилар билан гажум.

Ёзги таътил авж паллага чиққан шу кунларда боғда Меҳрибонлик уйлари, серферзанд оилаларининг ўғил-қизлари учун ранг-баранг маърифий дастурлар, интеллектуал ўйинлар, викториналар, ижодий курик-танловлар мунтазам ташкил этилмоқда. Турли акциялар, кўнгил-очар ўйинлар, маҳорат дарслари, болалар бадий жамоалари иштирокидаги концерт дастурлари мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари янада қизиқарли ўтишини таъминламоқда.

Н.УСМОНОВА

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ШВЕЙЦАРИЯДА

Цюрих шаҳрида Ўзбекистон ва Швейцария ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ўзфармасаноат" акциядорлик концерни, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек, мамлакатимиз тўқимачилик ва фармацевтика соҳасида фаолият қўйиш таътиган унга қўшимча қилиш Швейцария компаниялари вакиллари ўзбекистон компанияларининг тижорат тақлифлари, ҳамкорликда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон делегациясини Швейцариянинг алоҳида саклашни талаб этадиган фармацевтика препаратлари ва субстанцияларини ташқида қўлланалидиган махсус фармацевтика контейнерларини ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган "SkyCell AG" компаниясида бўлди. "Uzgermed Pharm" қўшма корхонаси ва "SkyCell AG" компанияси ўртасида ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини хориж бозорига етказиб бериш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди.

Бизнес-форум доирасида эришилган келишувга мувофиқ, Швейцария ва Европа Иттифоқи давлатларидаги импорт қилувчи корхоналар, йрик савдо тармоқлари ва ритейл-компаниялар, тадбиркорлар уюмлари, бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, ушбу янада фаоллаштириш, хусусан, ушбу мамлакатлар бозорида Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг экспорт салоҳиятини кўпайтириш, шунингдек, маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга йўналтирилган.

Жамғарманинг Швейцария ва Европа Иттифоқи давлатларидаги

ваколатхоналари тизимли асосда бозор конъюнктурасини ўрганади, маркетинг тадқиқотлар ўтказиб, мазкур давлатларга Ўзбекистон маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қўнуқчилик соҳасига оид ахборот алмашади.

Икки томонлама музокаралар чоғида томонлар тегишли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш масаласини муҳокама қилди. Швейцария компаниялари вакиллари Ўзбекистон компанияларининг тижорат тақлифлари, ҳамкорликда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон делегациясини Швейцариянинг алоҳида саклашни талаб этадиган фармацевтика препаратлари ва субстанцияларини ташқида қўлланалидиган махсус фармацевтика контейнерларини ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган "SkyCell AG" компаниясида бўлди. "Uzgermed Pharm" қўшма корхонаси ва "SkyCell AG" компанияси ўртасида ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини хориж бозорига етказиб бериш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди.

Айни пайтда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси билан ҳамкорликда консервланган паловини Германия ва Швейцария бозорларига экспорт қилишнинг ташкил этиш масаласини қўриб чиқмоқда. Хорижий мамлакатлар билан ушбу маҳсулот турини импорт қилиш учун Европа Иттифоқи қўнуқчилигига мувофиқ талаб этиладиган сертификатни олиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

ЎЗА

XXI аср
Барча мамлакатлардан олинган сўнги маълумотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қўнуқчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти, шаҳар ва туман кенгашлари масъул ходимлари иштирокида мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрнини янада ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

САЙЁР ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ташкил этаётган сайёр қабулларнинг навбатдаги босқичида соҳалар бўйича мурожаатларга ечим изланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 20-21 июнь кунлари М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида ташкил этилган сайёр қабулда пойтахт аҳолисининг уй-жой, коммунал, ободонлаштириш, киши мавсумга тайёргарлик ва бандлик масалаларига оид мурожаатлари кўриб чиқилди.

Очиқ мулоқотда Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш, "Ерғодекадастр", Автомобиль йўллари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари қатнашди.

Сайёр қабулда жисмоний ва юридик шахслардан ташаётган ҳар бир мурожаат давлатимиз раҳбарининг шахсан назоратида экани, бундай сайёр қабуллар одамларни қийнаётган муаммоларни қонун доирасида самарали ҳал этишда таъсирчан воситага айлангани таъкидланди.

– Жорий йилнинг 16 июнига қадар Президентимизнинг Тошкент шаҳри ва туманлардаги Халқ қабулхонала-

рига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 10 минг 46 мурожаатнинг 88,5 фоизи кўриб чиқилган, қолганлари ижрода, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси Баҳодир Зокиров. – Мурожаатларнинг 1 минг 780 дан ортиги уй-жой, 1 минг 140 га яқини қурилиш ва коммунал соҳа масалаларига оид. Таҳлиллар маҳаллий давлат идоралари мутасаддилари фаолияти самарадорлигини ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини кўрсатмоқда.

Сайёр қабулда уй-жой, коммунал, ободонлаштириш ва бандлик масалалари бўйича мурожаатларни ўрганиш, муаммолар муҳокамаси, фуқаролар ва масалага бириктирилган мутасадди идоралар вакиллари учун юзма-юз мулоқотлар ўтказишда махсус хоналар ташкил этилди.

– Бектемир тумани "Бинокор" маҳалласидаги айни пайтда яшаб келаётган уй-жойимизнинг кадастр

ҳужжатларидаги камчиликларини тўғрилашда ишимиз орта сурилаввергач, Президентимизнинг Халқ қабулхонасига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим, – дейди Сайёра Холбекова. – Бугун мутахассислар бу борада тушунтиришлар берди. Мутасаддилар уй-жойимиз билан боғлиқ зарур ҳужжатларни қабул қилди. Икки кунда муаммони ҳал қилиб берадиган бўлишди.

– Сергели тумани Дарёбўйи маҳалласида жойлашган 33-уйда яшайман, – дейди ЎЗА муҳбирига Мухаббат Ёдгорова. – Уйимизнинг тўртинчи қаватида яшаётган аҳоли, мана етти-саккиз йилдирки, ичимлик суви билан боғлиқ муаммодан азият чекади. Кечаси жилдираб келган сувга идишларни тўлдириб оламиз. Мутасаддиларнинг айтишича, етарлича босим йўқлиги сабабли сув юқори қаватга кўтарилмаётган экан. Туманимизда мана шу масала билан шуғулланадиган ташкилотларнинг ҳаммасига мурожаат қилдик, лекин натижа йўқ. Сайёр қабулда дардимиз-

ни эшитиб, эртагаёқ махсус комиссия вазиятни ўрганишга боришини айтишиб, масалани тез кунларда ижобий ҳал қилишга ваъда беришди.

Мурожаатлар таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти бир неча йўналишлар, мутасадди идоралар ҳамкорлигида ҳал қилиниши лозимлиги ойдинлашади. Сайёр қабулга Учтепа туманидан келган Дилбархон Раҳимованинг моддий ёрдам ҳамда келини учун доимий иш сўраб қилган мурожаати ҳам Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси ҳамкорлигида ҳал этилди.

– Дилбархон Раҳимованинг оилавий шароити билан танишдик: она иккинчи гуруҳ ногирони, кўзи ожиз ўғлини ёлғиз ўзи катта қилиб, уйлантирган, охири пайтларда рўзгорда моддий қийинчиликлар сезилмоқда, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова. – Ўзи ишлаб, бир-икки сўм даромад қилай деса, кучайрати олдинда эмас. Келини ҳам қаердан иш топмасин – уйдан узоқда, кун давомида банд бўлишни талаб қилади. Оила аъзоларини қасаначилик асосида иш билан таъминлаш режамиз борлигини айтганимизда, уларга маъқул тушди. Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларидан бу оилга мос иш топишга бугунча киришди.

Юзма-юз, очиқ ва ошқора мулоқотлар асосида қатор муаммоларга ечим топилди. Қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари ўзларига тегишли ҳар бир масала ечимини учун жавобгарлиқни зиммасига олди.

Икром АВВАЛБОВЕВ

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти томонидан "Суғурта даъволарини тезкор ва сифатли кўриб чиқиш – устувор вазифа" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан жамият бошқаруви раиси С.Насретдинов ва бошқалар "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларга ҳар томонлама қулай, пасайтирувчи коэффицентларни ўз ичига олган ва иккала томон манфаатларига тўлиқ мос келувчи суғурта хизматлари тақлиф этилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда чет эл ва Ўзбекистон суғурта бозорига шаклланган тажрибалардан фойдаланган ҳолда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб янги, замонавий суғурта турлари ишлаб чиқилмоқда.

Мижозларни суғурта хизматларига жалб қилиш ва уларнинг ишончини қозонишда суғурта қопламаларини тезкор ва сифатли амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти томонидан ҳам мижозлар олдидаги мажбуриятларни вақтида бажаришга устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧЛАРИДАН
ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Бугунги ҳаётимизга янгидан-янги замонавий технологияларнинг кириб келаётганлиги боис, ҳар кунимиз ва лаҳзаларимизни электр энергиясиз тасаввур эта олмаймиз.

Оддий мисол: компьютердан муҳим маълумотларни сайта кўриб чиққан ўқувчи пайтда тўсатдан чирқоқ ўчиб қолди, дейлик. Бунда нафақат ишимиз тўхтаб қолади, балки кайфиятимиз ҳам бузилади, вақт йўқотамиз, ишимиздаги самарадорлик ва тезкорлик ҳам пугур етади. Демак, электр энергияси биз учун нафақат муҳим, балки қимматли ва керакли амалиётларни ўташ манбаи ҳамдир.

Электр энергиясининг 1 квт.соати бугунги кунда аҳоли учун 191.00 сўм қилиб белгиланган. Электр энергияси киши жон боши ёки яшовчилар сонига қараб эмас, балки корхона, ташкилот ёки хонадонда ўрнатилган электр

ҳисоблагичлар орқали ёқилган электр энергияси сарфли микдори билан белгиланган кўрсаткич бўйича тўланади. Биз қаерда яшамайлик, электр энергиясини фойдаланиш учун ўша ерда электр энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилиши шарт. Чунки электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш, уни беҳуда сарфламастик, ундан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир. Бундай ноқонуний ҳолатларга эътиборсизлик эса давлатимиз иқтисодиётига катта зарар етказиши мумкин. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароити ва аҳоли талаб даражасидан келиб чиқиб, электр энер-

гиясидан тўғри, тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш кўзда тутилган ҳолда электр энергиясидан фойдаланишда ҳеч қандай имтиёз ва чегирмалар белгиланмаган.

Демак электр энергиясидан фойдаланиш ҳамма учун бир хил ва тўловлар ҳам бир хил тарзда амалга оширилади. Агар янги уйга кўчси, янги корхона ва муассасанинг электр энергиясидан фойдаланиши учун электр энергияси ҳисоблагичларни ўрнатадиган бўлса, бу албатта, истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

Абдулла АБДУЛЛАЕВ,
"Ўздавэнергоназорат"
инспекцияси Тошкент
шаҳар бўлими инспектори

ХОТИН-ҚИЗЛАР
ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида "Партия тизимидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик сифатларини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги ўқув-семинар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Н.Йўлдошева, университет проректори Н.Қодилов, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати М.Раҳматуллаева ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини юксалтириш, ижтимоий ҳимоялаш, фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

– Ўшбу ўқув-семинарни ўтказишдан мақсад "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни аҳоли, айниқса хотин-қизлар орасида кенг тарғиб этиш, вазифалар ижросини таъминлашда партия тизимидаги хотин-қизлар, депутат аёллар салоҳиятидан кенг фойдаланиш ва уларнинг иштирокини қўллаш йўллари тибратди, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева.

Тадбир давомида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат даражасини янада яхшилаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар қоллежи битирувчи қизларини ишга жойлаштириш, уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

"Фаол аёллар" қаноти томонидан ўтказиб келинаётган "Ижтимоий ҳимоядан – ижтимоий фаоллик сари", "Фарзанд тарбиясида ўрнатилган", "Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз!" ва бошқа бир қатор лойиҳаларни сифатли ҳамда самарали амалга ошириш борасидаги ишлар хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ўқув-семинар танқидий, таҳлилий ва қизиқarli мушоҳадаларга бой тарзда яқунланди.

Гулнор САТТОРОВА

ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА
СОЛИҚ ТЎЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасида белгиланган берилган.

Қуйидаги даромадларга эга бўлган жисмоний шахслар декларация тақдим этади – мулкый даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар ҳамда солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисидаги декларация тақдим этилмайди ва ўз навбатида қўшимча тўловлар юзга келмайди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулклари юридик шахсларга ижарага берилганда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлов манбаида ушлаб қолинади. Агар ушбу мол-мулк жисмоний шахсга ижарага берилган тақдирда, яъни тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромадларига декларация асосида солиқ ҳисобланади. 2017 йилда ижара шартномаси асосида берилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи минимал ставкада, яъни 7,5 фоиз микдорда солиққа тортилади.

Солиқ тўловчилар кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz ҳамда my.soliq.uz сайтлари орқали кўрсатилаётган "Электрон солиқ декларациялари" интерактив хизмати орқали жисмоний шахслар электрон ҳужжат кўринишидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шакллантиришлари ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб, туман давлат солиқ инспекцияларига ташриф буюрмаган ҳолда интернет тармоғи орқали жўнатишлари мумкин.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 193-моддасида декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлашлари лозим.

Агарда мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилиб, агар ўтган йил мобайнида тўланган суммалар ўртасида фарқ келиб чиқса, у жорий йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўланади.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида ҳам тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинган даромад, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, декларация асосида ҳисобланган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Солиқ кодексининг 120-моддасига мувофиқ, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов қуни ҳам шунга қиради, 0,033 фоиз микдорда пеня ҳисоблашга сабаб бўлади ҳамда Солиқ кодексининг 62-моддасига асосан солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари қўлланилади.

Аловитдин ИНАГАМОВ,
Чилонзор туман ДСИ бошлиғи

Биз глобаллашув даврида яшаймиз. Унинг бош хусусияти шуки, Ер юзининг исталган нуқтасида пайдо бўлган бир янгилик зудлик билан, қисқа фурсатларда бутун дунёга ёки унинг жуда катта қисмига тарқайди.

Аммо бу яхши янгилик бўлиши ҳам, афсуски, ёмон янгилик бўлиши ҳам мумкин-да. Айнан шунинг учун ҳам, худди таёқнинг икки учи бўлгани каби, глобаллашувнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жihatлари бор.

Ижобийлиги шундан иборатки, бугун фан, техника, технология, ишлаб чиқариш, бозор, таълим, маданият, адабиёт, санъат ва ҳоказо соҳалардаги ҳар қандай эзгу жиҳат мисли кўрилган тезлик билан кенг тарқалаяпти, қитъадан-қитъага, юртдан-юртга ўтиб, умумбашар мулкига айланиб борапти.

Ножўя жиҳати эса тезкор тараққиёт ва бозор иқтисодиёти ҳар қандай мамлакатга ўзининг барча ноҳус томонлари билан бирга кириб келади. Бу эса глобаллашувнинг салбий томонларидан жуда-жуда эҳтиёт бўлишга ўндайди.

Ёт кучлар замоннинг ана шу хусусиятидан ўз манфаатлари, ёвуз максadлари йўлида фойдаланишга, турли зарарли гоё ва мафкураларни дунё бўйлаб тарқатишга зўр бериб уринаверади. Шу тариқа ҳозирги замонда одамлар қалби ва онг-тафаккурини забт этишга уриниш ўзаро курашнинг асосий майдонида айланиб улгурган.

Глобаллашув даврини компьютерсиз, интернет тармоғисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун компьютерни билмайдиган, ундаги имкониятлардан фойдалана олмайдиган одамлар замондан ортда қолган ҳисобланади. Ёшларимиз шуни ҳис этган ҳолда компьютерни, интернет тармоғидан фойдаланишни ўрганишга жуда уста бўлиб борапти.

Яна бир жиҳатни айтиш керакки, бугун интернетдан фойдаланиш учун компьютер сотиб олиш шарт ҳам эмас. Замонавий қўл телефонлари орқали ушбу тармоққа бемалол улашиш ва ундан истифода фойдаланиш мумкин.

Ҳўш, интернет ҳам яхши, ҳам ёмон маълумотлар ўчоғи ҳисобланса, ёшларимиз ундан бемалол фойдаланаётган бўлса, уларнинг айнан интернетдаги қайси маълумотларни олаётганини назорат қилишнинг имкони борми ўзи?

Биз — фарзандсевар халқмиз. Ҳаётимизни болаларимиз келажаги учун тикканмиз. Ва биз улардан ҳеч нарсаимизни аямаймиз.

Бироқ...
Биринчидан, оиланинг меҳнат билан топишган бу маблаг яхшиликка сарфланаяптими?

Иккинчидан, бу маблаг фойда бўлиб қайтаптими ёки турган-битгани зарар бўлибми?

Учинчидан, мабодо, зарар бўлиб қайтаётган бўлса, унинг ўрнини тўлдириш мумкинми ўзи?

Биз “фойда” ёки “зарар” деганда фақат бу сўзларнинг моддий маънони аналлатган томонларининггина ҳисобга олаётганимиз йўқ. Аксинча масаланинг маънавий томони муҳимдир.

Гап шундаки, интернет орқали болаларимиз ақлан ўсиб, маънан етукликка эришиши, қомил инсон бўлиб тарбияланиши, илм-маърифат ўрганиб, эзгуликка интилиши мумкин. Бугунги кунда интернетдан фойдаланмай туриб замон талабларига жавоб берадиган мутахассис бўлиб етишишни мутлақо кўз олдимизга келтира олмаймиз. Шу билан бирга, айнан интернетнинг салбий таъсирида фарзандларимиз онг-тафаккурининг ёмон томонга ўзгариши мумкинлигини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Доно халқимиз бу ҳикмати жуда топиб айтган. Бугун айнан интернет орқали феъл-атвори ўзгарган, одамови бўлиб бораётган, жиноятчиға айланиб қолаётган, турли оқимларга кириб кетаётган ёшларимиз йўқми?

Ҳозир қўчаларда ёшларга эътибор қилинг. Деярли ҳаммасининг қўлида замонавий телефон, қулоғида гўшақ. Айримлари дастурхон бошида ҳам интернет хабарларини ўқигани-ўқиган. Атрофдагилар билан иши йўқ. Ҳаёт билан қизиқмай ҳам қолган — ёди-хаёли қўлида ана шу “маток”-да.

Ёки интернет-кафелар ҳам — ёшларимиз билан гавжум. Тўғри, шаҳар ҳокимининг қарори билан уларнинг кечки соат 21 дан кейин ишламаслигига эришдик. Аммо соат 21 гача бу ерга кирган фарзандларимиз интернетдан нима максadда фойдаланди, нималарни олди, қандай ўйин ўйнади, кимга нима юборди?

Буларни ким назорат қилади? Хусусан, шу кунларда таълим муассасаларида ёзги таътил бошланди. Шаҳримиздаги таътилга чиққан ўқувчи ва талабалар кўп вақтини интернет-кафеларда ўтказиши учун қулай имконият пайдо бўлди. Уларнинг бу ерда ўз қизиқишлари доирасида билим-маҳоратларини оширишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Бироқ: “**Ҳўш, ота-оналар фарзанд-**

лари қўлидаги телефон орқали интернетдан айнан нима максadда фойдаланаётганини назорат қилаптими?” ёки “**Интернет-кафелар мутасаддилари пул тўлаб, интернетдан фойдаланаётган бола нима муддао билан ўтирганидан хабардорми?”** қабилдаги ўринли саволлар тугилади.

Тўғри, интернет-кафеларда болаларнинг қайси сайтлардан фойдаланмаслиги бўйича керакли кўрсатма берилган. Уларнинг қўлида тегишли идоралар шакллантирган рўйхат ҳам бор. Аммо мавжуд сайтларда ҳам кишига, хусусан, ёшларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қанчадан-қанча материал бор-ку.

Нима қилмоқ керак?

Шуни таъкидлаш жоизки, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда — июнь ойининг биринчи ўн кунлигида туманлар ҳудудида жойлашган интернет кафе ва компьютер ўйингоҳлари фаолияти ўрганилган ва натижада қуйидагилар маълум бўлди.

Миробод туманида — 4 июнь кунини соат 21:45 да Фитрат кўчаси, 152-уйда жойлашган “Мега Хаус” номли компьютер ўйингоҳи фаолият юритаётганлиги аниқ-

— Бизда ёш болалар шуғулланишмайди. Кечкурун асосан катталар келишди, — дейди интернет клуб раҳбари Н. Соқижонов. — Икки-уч соат ўйнаб кетишади.

Бироқ, бу ердан ҳам нима учун клубнинг қарорга хилоф равишда белгиланган вақтдан ташқарида ишлаётгани ҳақида тайинли жавоб ололмадик.

Бироз юриб, чорраҳада “Блегг караоке” деб ёзилган ёзувга кўзимиз тушди. Соат 22.30 га яқинлашяпти ҳамки кўнгилочар маскан мижозларга хизмат кўрсатаёпти.

Унинг раҳбари Эршод Камоловдан сўраймиз.

— Соат 21.00 да караоке ёпилган бўлиши керак, шундайми?

— Тўғри, мана секин ёнаямиз, — дейди у қандай жавоб беришни билмай.

20 июнь Учтепа тумани 23-мавзеда жойлашган “Оқсарой” кафеи мижозлар билан тўла. Улар жонли ижродаги қўшиқлардан баҳраманд бўлмоқда. Кафенинг ертўла қисмида яқинда кўнгилочар кафе бар-плейстейшн очилганлигини айтишди. Тушдик. Ертўлага бир неча катта экранли телевизорлар қўйилган. Соат 22 дан ошган бўлишига қарамай кафе бар-плейстейшн ҳали ёпилмаган. Унинг иш юритувчиси Элмурод Раззоқов бу жойни яқинда МЧЖ сифатида очганлигини айтиб, ишламасак бўлмайди, дея таъкидлаб ўтди.

Шу тариқа кузатиш давомида айрим

бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаганларнинг ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз бўлишининг олдини олайлик.

Токи фарзандларимиз ёт гоёларга берилмасин. Уларнинг онг-тафаккури, дунёқарашига салбий хулқ-атвор ўрнашиб улгурмасин. Чунки кейин кеч бўлади.

Яхши ният билан интернетга кирасан. Биринчи саҳифа очилиши билан бир неча бөҳаё сурат намоён бўлади. Ҳар бирининг тағига ҳар хил маълумотлар битиб қўйилган. Юзаки қараганда, гўёки ҳаммаси — силлиқ. Йўқ-да, бу — алдоқчи тасаввур. Бу худди балиқ тутиш учун ташланган қармоққа ўхшайди. Ўша суратнинг устига тугмачани босишинг билан шундай бир-бирига алоқасиз маълумотлар чиқиб келаверадики, уларнинг қайси бирини ўқишга ҳам шошиб қоласан. Улар аслида онг-тафаккурга салбий таъсир ўтказишга қаратилган. Шубҳасиз, бу иллатли ахборотларни тарқатишдан манфаатдор кучлар бор.

Дунёда гоёдан қўли қурол бўлмайди. Бугунги кунда ёвуз кучлар ўз гаразли гоёларини тарқатиш учун интернетдек тап-тайёр “дастур”дан шафқатсизларча фойдаланмоқда.

Тарбия эса — узвий тушунча. Бу шундай мураккаб соҳа ҳисобланадики, агар бир кун болага эътиборни пасайтирсак, катта муаммо юзага келиши мумкин.

Глобаллашув даврида тилимизда “оммавий маданият” деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Бу ҳам — ёт гоё. Шунинг учун уни, албатта, қўштирноққа олиб ёзамиз. Нега? Чунки Фарб дунёсининг қўштирноққа олмай туриб тарғиб қилаётган “оммавий маданият”и йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Тўғри, XX аср тарихга миллий давлатларнинг пайдо бўлиши сифатида кирди. Бироқ ҳозир ҳам тараққиётда Фарб олдинги ўринда бораётгани мавжуд.

Фарб бундан ғурурланиб кетиб, суиистеъмол қилишга ўтди. Модомики, дунё биздан ўрганишга мажбур эканми, демак, бизнинг маданиятимизгина — ҳақиқий маданият, шундай экан, бизнинг маданиятимиз бутун дунёга тарқалиши керак, Ер юзида битта, яъни “оммавий маданият” юзага келиши лозим, деган гоёни зўр бериб тарқата бошлади.

Йўқ! Аввало, ҳар қандай маданият миллий бўлади. Бир маданиятни иккинчи халққа зўрлаб киритиш асло мумкин эмас.

Интернетдаги айрим ижтимоий тармоқлар айнан “оммавий маданият”ни тарғиб этишининг тап-тайёр воситасига айланиб борапти. Бундан болаларимизни асрашимиз лозим.

Бугун ҳар бир таълим муассасаси, ҳар бир ота-она фарзандларимизнинг ёзги таътилини қандай ва қаерда ўтказиши ҳақида жиддий ўйлаши зарур. Улар уч ой мобайнида айнан нима билан шуғулланади? Уларнинг тарбияси учун ота-оналар масъуллигининг ўзигагина етарлими? Ёки ўз ўқувчиларининг таътили мазмунли ўтиши учун масъулликни фақат улар ўқийдиган таълим муассасасининг ўзигагина юклаб қўйиш мумкинми? Бунда жамият ютказмайдими? Дарслар жараёнида фарзандларимизни мактаб, коллеж, лицей қовуштириб турар эди. Ёзги таътилда қандай қилиб уюлмаган ёшларнинг бошини қовуштирамиз? Бекор қолган ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун айнан нималар қилишимиз керак?

Бу саволлар бугун ҳаммани, яъни бутун жамиятни ўйлантириши — лозим.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 15 июнь кунини пойтахтимизда “Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусида анжуман ўтказилди. Унда Президентимиз нутқ сўзлаб, жумладан, “...Ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ” дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳўш, айнан диний-экстремистик гоёлар таъсирига тушиб, бугун хорижий давлатларда хунрезликларга шерик бўлиб қолган ёшларимизни айнан интернет ўз тўрига илтирмади, дейсизми?

Интернет орқали юзага келадиган салбий оқибатлардан ишончли ҳимояланишнинг эса биттагина оқилона йўли бор. Бунинг учун ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз керак.

Шундай экан, ёшларимизнинг интернет тарбиясига муҳим эътибор қаратиб, уларни “оммавий маданият” таъсиридан асрайлик.

Олим МАҲМУДОВ

Долзарб мавзу

ИНТЕРНЕТ ТАРБИЯСИ

ёхуд ёшларимизни “оммавий маданият” таъсиридан асрайлик!



ланган ва тегишли чоралар кўрилган.

Чилонзор туманида — 8 июнь кунини соат 21:30 ларда 16-мавзе, 24-уй, 100-хонадонда жойлашган компьютер ўйингоҳи ишлаётганлиги, 2 нафар мижоз чилим (кальян) чекиб ўтиргани аниқланган ва ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун туман жиноий ишлар бўйича судига юборилган.

Шу билан бирга, тунги вақтда 24, кундузги вақтда 21 та муассаса ўрганилиб, қоидабузарлик ҳолатлари аниқланган. Кундузги вақтларда интернет-кафеларда вояга етмаган болалар кўпайгани ва уларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб компьютер ўйинлари билан бандлиги кузатилди.

Шунингдек, 19-20 июнь кунлари ўтказилган ўрганишлар давомида қуйидагилар маълум бўлди. 19 июнь кечки соат 21.30. Сергели тумани, Қўйлик — 5 мавзесидagi “Россия” дўконининг иккинчи қаватида жойлашган “Арена” интернет клуби мижозлар билан гавжум. Бу ерда асосан ўсмирлар турли ўйинлар ўйнаб ўтиришибди. Иш юритувчи Аббос Тафчиевнинг айтишича, интернет клуб 2016 йил октябрда очилган бўлиб, клубга 80 та компьютер қўйилган. 60 дан ортиқ ёшлар ўйин билан машғул.

Ўсмирларни сўхатта тортамиз.
— Исмнинг нима?
— Санжар Туляшев, ёшим 20 да.
— Қандай ўйин ўйнаяпсан?
— Контур...

Иккинчи ўсмир исми Бобур Алимов, ёши 18 да эканлигини, у ҳам шу ўйинни ўйнаётганлигини айтиб ўтди.

Интернет клуб якка тартибдаги таб-биркор Музаффар Фатиховга тегишли.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг шу хусусдаги қарори билан танишмисиз? — сўраймиз иш бошқарувчидан.

— Биламиз.
— Интернет клуб соат нечада ёпилиши керак?
— Соат 21да.
— Нега ишлаяпти?
Бу саволимизга ҳеч қандай жавоб ололмадик...

Яшнобод туманидаги “Авиасозлар” деҳқон бозорига яқин Шохимардон кўчаси, 90-уйда “Фиданза” интернет ўйинлари клуби иш олиб боради. Соат 22 га яқинлашиб қолган бўлишига қарамай ушбу интернет клуби ёшлар билан гавжум экан. Бу ерда ҳам 80 та компьютер жойлаштирилган.

интернет клубларнинг белгиланган вақтдан ташқари ҳам фаолият кўрсатаётганининг гувоҳи бўлдик.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, **ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг 2017 йил 25 январдаги 1-сон баённомаси билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тавсия этилмайдиган компьютер ўйинлари рўйхати” тасдиқланган. Унга 34 та жангарилик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи ва маънавийтимизга зид бўлган компьютер ўйинлари киритилди.**

Ушбу ўйинлардан фойдаланиш, кўпайтириш ва тарқатиш қатъиян тақиқланади.


Болалар онгини заҳарлайдиган бундай ўйинларнинг номма-ном рўйхати барча интернет-кафеларга ўрнатилиши — шарт. Айниқса, ота-оналар бунни яхши билишлари лозим.

Шаҳримиздаги таълим муассасаларида ички рўйхатга олинган ҳамда ички ишлар идоралари бўлими профилактик ҳисобиди турувчи ёшлар ҳам бор. Уларнинг интернетга кириб, ёт гоёлар таъсирига тушиб қолиши хавфи — бир неча қарра ошди. Ёки иш билан банд бўлмаган айрим ёшларнинг ҳам интернетнинг салбий таъсирига тез тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Таълим муассасаларида кундузги оромгоҳлар, тулли сўгараклар, спорт майдончалари ва дам олиш масканларини ташкил этиш, маҳаллаларда болалар ўйингоҳларини яратиш янада қўлайлаштириш орқали ҳам ёшларни интернетнинг салбий таъсиридан қўйиб қолиш мумкин.

Тўғри, ҳозирги замонда интернетсиз яшаб бўлмайди. Бироқ ҳеч нарса китобнинг ўрнини боса олмайдди. Интернет бериши мумкин бўлган нарсанингина тухфа эрта олади, у китобдан олинмаган маърифат ва маънавиятни бера олмайдди. Шундай экан, болаларимизни китобни севишга, уни ўқишга ўргатайлик. Ҳар биримиз бунни ҳаётдаги энг муҳим вазифаларимиздан деб билайлик.

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёки бошқа кўнгилочар жойларнинг раҳбарлари ёхуд



ДОНИШМАНДЛАР ОДОБ ҲАҚИДА

Фарзандлар! Тарбия шундай азиз бир нарсани, у инсонни ҳамма вақт тўғри йўлдан олиб боради. Одамларнинг тарбияли ва тарбиясиз эканликлари юриштиришидан, муомала ва муносабатларидан кўриниб туради. Тарбияли одам ўзини катта тутмайди, манманликка йўл қўймайди.

Одобли — ҳамманинг меҳрини қозонувчидир.

Инсон оилада дунёга келади, маҳаллада вояга етади, таълим муассасасида тарбияланади ва жамиятга наф келтирадиган шахс сифатида намоён бўлади.

Одоблининг орқасидан раҳматлар эргашиб юради.

Оддийлик — одобилиқдир.

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил — муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

Одоблининг айтгани — дил малҳами.

Одоб — муҳитнинг файзидир.

Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматда.

Одобли — ҳамманинг меҳридадир.

Дўстлик уйини одоб ёритади.

Одобли бола — оламга манзур.

Одобли — зебу зийнатсиз ҳам гўзал.

Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсон.

Одоблининг тилидан ифор таралиб туради.

Тарбиядаги энг катта хато ўта шошқалоқликдир.

Ўқитиш икки баравар ўқиш демакдир.

Ҳақиқий таълим одамни одамийликка тайёрлашдир.

Тарбия таълимдан устун туради.

Инсонни тарбия вояга етказиши.

Инсон тарбиясининг бош йўли ишончдир.



Ёшлар миллий хунармандчилик сирларини пухта эгаллашмоқда



Спорт янгиликлари

Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги 15 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси июль ойида Хитойга борадиган бўлди.

ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАМИЗ
ХИТОЙГА БОРАДИ

Гап шундаки, 13-17 июль кунлари Хитойда футбол бўйича 15 ёшли ўсмирлар терма жамоалари – Ўзбекистон, Хитой, Япония, Чехия иштирокида халқаро турнир бўлиб ўтади.

Маълумки, келгуси йили 16 ёшли ўсмирлар терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионати уюштирилади. Осиё

чемпионатида саралаш бахслари эса жорий йилнинг 16-24 сентябрь кунлари ўтказилади.

Дилшод Нуралиев шогирдларининг Хитойда ўтказилаётган халқаро турнирдаги иштироки Осиё чемпионатида саралаш бахслари олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

“ЛОКОМОТИВ”НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 14-турида “Пахтакор” командаси ўз мухлисларини хушнуд этди.

“Пахтакор” марказий стадионида “Насаф” билан куч синашган тошкентлик чарм тўп усталари мurosасиз, шиддатли кечган учрашувда 2:1 ҳисобида зафар кучишди. Дарвозаларга голларни “Пахтакор”дан – И.Сергеев, Ш.Каримов, “Насаф”дан – Ф.Сайфиев киритишди.

Амалдаги чемпион “Локомотив” ўз майдонида “Динамо” билан куч синашиб меҳмонларни 2:0 ҳисобида мағлубията учратди. Мухлислар шу кун И.Алибоев ва М.Бобожонов томонидан дарвозага киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Турнинг қолган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: “Металлург” – “Қизилқум” – 3:1, “Машъал” – “Нефчи” – 2:2, “Шўртан” – “Обод” – 2:0, “Навбахор” – “Олмалик” – 1:1, “Қўқон-1912” – “Сўғдиёна” – 3:2, “Бухоро” – “Бунёкор” – 4:2.

Ақбар Йўлдошев

Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлги

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

Миллат генофондини асраш, уни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш давлатимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича давлат тизими шаклланди. Ушбу тизим асосида гиёҳвандлик офатига қарши кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили июль ойида ўтказиладиган гиёҳвандликка қарши курашиш ойлги ҳам шулар жумласидандир.

Айни кунларда пойтахтимизда ҳам гиёҳвандликка қарши курашиш ойлги доирасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқув масканлари, ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида гиёҳвандлик офатининг олдини олиш ва курашишга бағишланган кўрик-танловлар, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот ва соғлиқни сақлаш ходимлари иштирокида семинар-тренинг ва тадбирлар уюштурулиб билинган.

– Мамлакатимизда, жумладан Тошкент шаҳрида аҳоли ва ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланган, – дейди Тошкент шаҳар наркологин диспансерининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош шифокор ўринбосари, нарколог шифокор Наргиза Бобожонова биз билан суҳбатда. – Диспансеримиз шифокорлари туманларда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Яқинда умумамалиёт шифокорлари учун ҳам уч кунлик семинарлар уюштириб, бу борада тиббиёт ходимларининг наркология бўйича билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шифокор бугунги зарарли иллатларимиз ҳақида тўлиқ билим ва тушунчага эга бўлиши шарт.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли таҳдид ва хужурлардан асраш, уларни тўғри йўлдан адаштириш, ўз домига илиштириб манфат қўришга ҳаракат қилаётган кучларга қарши курашиш энг муҳим вазифага айланди. Дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган гиёҳвандлик иллати аниқ шундай таҳдидлар сирасига кирибди. Аниқлиқ, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганлар орасида ёшлар кўпчилиги ташкил этади.

Ўтказиладиган бундай тадбирлар ёшлар-

да гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақида тасаввур ўйотишда муҳим аҳамият касб этади, келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин ёшларимизнинг онг ва тафаккурини янада тейлаштиришда, маънавиятини юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

– Гиёҳвандликка қарши курашиш ёшларнинг асосий мақсадидир, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддин. – Айни пайтда фаол ёшлардан иборат тартибот гуруҳларимиз жойларда турли тадбирлар, учрашувлар ўтказмоқда. Гиёҳвандликнинг аниқ оқибатлари, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий зарарлари ҳақида аҳоли, хусусан, ёшларга атрофича маълумот берилаётган. Профилактик тадбирларда таъсирчан воситалар, кинофильм ва видеоматериаллар орқали аҳоли ва айланида ёшлар гиёҳвандликнинг оғир оқибатларидан хабардор қилинмоқда.

Ортимизда келажақ авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб камолга етиши доимий эътиборда. Тегушли қонун ҳужжатларида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, қашақчилик каби зарарли иллатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш чоралари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни нazorат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда бу офатга қарши курашушни алоҳида тизим иш олиб бормоқда. Соҳага оид фаолиятни давлат даражасида мувофиқлаштириш учун идоралараро орган, давлат комиссияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Наркотик моддаларнинг суиистеъмол ва ноқонуний

айланишига қарши курашиш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурида халқаро ҳамкорликини таъминлаштириш масалалари алоҳида ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси томонидан гиёҳванд моддалар назорати соҳасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мажбуриятларга доир фаолият давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Словакия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида тезкор маълумотлар алмашишнинг амалий механизми жорий этилди. 2016 йил 20 сентябрь кунги пойтахтимизда икки давлат ўртасида “Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим имзоланди.

Халқаро ҳамкорлар кўмагида мутасадди ташкилотларнинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини оширишга йўналтирилган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлги доирасида ўтказиладиган тадбирлар ва уларда намоён бўлиб келган ҳақиқатларга қарши курашиш, бадий, ҳужжатли фильмлар намоёйиш фуқаролар ҳамда келажагимиз эртак бўлган авлодни бу иллатдан асраш ва оғоҳлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадбирлар нафақат ойллик доирасида, балки йўналишда давом эттирилиши зарур, зеро бундан қўзғалган мақсад аҳоли ва ёшларни гиёҳвандликнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ёшлар келажагига таҳдид соладиган омилларга қарши курашиш, мустақил фикр, соғлом тафаккурли ёшлар сафини кенгайтириш, уларни салбий иллатлардан асрашдир.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ
ТАДБИРИ

“Ёзни “Камолот” билан” лойиҳаси доирасида “Камолот” ЁИХ “Ёшлик” шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан 326-умумтаълим мактабида ташкил этилган “Камалак” номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Гиёҳвандлик – умр заволи” мавзусида гиёҳвандликнинг салбий оқибатларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда “Камолот” ЁИХ “Ёшлик” шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раис ўринбосари З.Саъдуллаев сўзга чиқиб, гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари, ушбу оғу домига тушиб қолганлар бу йўлдан ҳеч қачон қайтиб чиқа олмаслиги, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг келажақ авлодга ҳам салбий таъсири ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди. Ҳар йили дунё мамлакатларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш оқибатида кўплаб инсонлар вафот этади, қанчадан-қанча гўдаклар ногирон бўлиб туғилади. Минг афсуски бу йўлга кириб қолаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшлар кимларнингдир алдоғига ишониб умрини хазон қилаётганини кеч англаб этади. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялашда бу каби тарғибот-ташвиқот тадбирларининг аҳамияти катта.

Тадбир сўнггида мавзу бўйича саволлар берилиб, фаол қатнашган иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Қилмиш – қидирмиш

ТАДБИРКОРНИ “ЧУВ” ТУШИРИШДИ

Мамлакатимизда бизнес қиламан деган инсонга барча ҳуқуқий шароитлар яратилган. Фақат фуқаро бизнеснинг қонуний йўлини танласа бўлгани. Аммо айрим шоввошлар бизнес баҳонасида бировларни “чув” тушириб кетишдан ҳам тўймапти.

Карима Расуловани (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир таниши уни Яқасарой туманида жойлашган офисига тақдир қилади. Ўшанда у Жаҳонгир Давиров билан танишади. Гап бизнесни йўлга қўйиш ҳақида боради. Жаҳонгир ҳар доим бирор бир бизнесни бошламоқчи бўлар, бироқ маблағи йўқлиги учун бизнесни йўлга қўя олмаётганини билдиради.

Шу орада Жаҳонгир ва Карима ҳафтасига 2-3 бора бизнес борасида учрашиб туришди. Учрашувларнинг бирида Жаҳонгир: – Карима опа, тухум бизнеси билан шуғулланмоқчиман, бунинг учун аниқ пул керак, тухумни арзон нархда сотиб олишим мумкин, танишларим бор, ўзим товух фабрикасида ишлаймэн, ҳисоб-китоб-

ларга кўра бошланишига 70 млн. сўм миқдорда пул бўлса бас, бизнесга пул тикинг, пулингизни қайтараман, ўзим барча ишларни ташкиллаштирамэн, даромаднинг тенг иккига бўлишим, деб қолди.

– Ўйлаб қўриш керак, – деди бунга жавобан Карима опа. Карима опа бу таклифни анча вақт ўйлаб юрди. Бир кун Жаҳонгир яна Карима опага телефон қилиб, янги йил байрами олдидан савдо яхши бўлишини айтиди.

Карима опа бу гапдан сўнг Жаҳонгирнинг гапларига ишониб, унга тухум бизнесини бошлаши учун пул беришга рози эканлигини билдирди. 20 декабрь кун кечқурун соат 16.00 ларда ўзи билан бирга ишловчи Д. Дархонов орқали Жаҳонгир Давировга

70 млн. сўм пулни бериб юборди. Жаҳонгир бу пуллари вокзал ёнидаги почта биноси олдига қора рангли “Нексия” автомашинасининг орқа юқонасига жойлаб олиб кетди...

Аммо янги йил кириб, орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамай бизнесдан ҳам, пуллاردан ҳам дарак бўлмади. Карима Расулова ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мазкур жиноят иши тергов қилиниб, судга оширилди. Судда маълум бўлишича, Ж. Давиров ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида К.Расуловага тухум савдоси билан ўзаро бизнес қилиш ва биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ваъда қилиб, унинг ишонига кириб, жами 70.000.000 сўм пуллари фарибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан пуллари ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Судланувчи Ж. Давировнинг айби дастлабки терговда сўроқ қилинган ва судда ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг қўрсатмаси ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд Ж.Давировни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганлигида айбдор деб топди ва энг кам ойллик иш ҳақининг юз баравари миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Моддий зарар К. Расуловага тўлиқ қайтарилди.

Алимаддон АХМАДОВ, Миробод тумани прокуратураси катта терговчиси

Реклама ва эълонлар

Миробод туманидаги умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2017 йил 22 июль кун соат 10:00 да Миробод туман ҳокимлигида 2017-2018 ўқув йили учун тендер танлови ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 10.07.2017 йил соат 18:00 гача.

Тендер танловига қўйилган муассасалар рўйхати:

1. Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сон академик лицейи, Меҳржон кўчаси, 12-уй.

2. Тошкент фармацевтика институти қошидаги лицей, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод даҳаси, 8-уй. Тел: (998-71) 256-30-09, 256-30-47. E-mail: mirobod_txbt@xtv.uz.

“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Яқасарой тумани Суд ижрочиларининг 2017 йил 21 июнь кундаги К-1/2-сонли хатига асосан қуйидагиларни маълум қилади.

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Яқасарой туман Суд ижрочиларининг 2017 йил 21 июнь кундаги К-1/2-сонли хатига асосан, “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖда 2017 йил 23 июнь кунига белгиланган аукцион савдолари оммавий ахборот воситаларидаги эълонда кўрсатилган вақтда бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

“Kelajak Futbol Poydevori” (ИНН 302173915) масъулияти чекланган жамияти жамият таъсисчиларининг 21.06.2017 йилдаги қарорига асосан Устав фондини 3 261 784 145,36 сўмдан 2 000 000 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомидида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (97) 772-32-42.

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2014 йилда Орзиева Меҳриноз Қодиржон қизи номига берилган К№ 3512482-сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Гойибов Жўрабек Раҳмонбердиевичга тегишли бўлган қатъий ҳисобда турувчи TN 5929-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Курилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи томонидан 2012 йилда Курбанова Феруза Алиевна номига берилган К№ 2712283-сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва
“ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент молия институти жамоаси “Ўзбек ва рус тиллари” кафедрасининг катта ўқитувчиси Наргиза Диёровага пададир бузуқвор

Омон ота ДИЁРОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



10, кучайган ҳолда 15-20 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумоти кўра, 23 июль эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифросланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 23 июль кун ҳаво ўзгариб туради, кунининг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, жала қуйиш эҳтимоли бор. Шарқдан гарба бўналаниши ўзгаришга шомол секундида 5-



МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г - 635

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9234 нухсада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терипди ва сақифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси, Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ